

Маълумдирки, ҳар миллатнинг тараккийси илм ила бўлуб, илми бор миллатнинг истикболи мунаввар ва ўзи осойишда ҳам ажнабийлар қошида маҳобатлик ва ҳурматлик кўринур. Сохиби илм ва мутараккий миллатларнинг аломатлариндан баъзиси шулки, ибтидоий мактаблари мунтазам бўлуб, ўрта ва олий ҳар турли мадрасалари бўладур. Бу мадрасаларда ўқуб чиқгон болалари фаол одам бўлуб, ҳол ва даражаларига муносиб иш - ҳунар - тижорат ва руҳоний ўрунларга киришуб кетарлар. Шу йўл ила мутамаддун миллатлар ўз ишларини ўзлари бошқаруб, ҳеч ваз-дан ўзгаларга муҳтож бўлмай роҳат, роҳатда яшайдурлар. Ўз мадрасаларига диний, дунёвий илм ва фанларни лозиминча ўргануб чиқарлар. Онинг учун на динларини кўлдан берурлар ва на дунёвий ишларини.

Демакки, бир қавмнинг ҳаёт ва саодати илм иладур. Сувсиз балик тирик қолмагани каби илмсиз, иттифоксиз миллатларнинг яшай олмаслиги табиийдур. Мен бу маҳалда илм ва фан қаторинда сарват, яъни бойликни ёзмадим, ҳолбуки, тирикчилик шартларининг бириси оқча ва мол эди. Чунки мол ва мулк илмининг ниҳоятсиз самараларидан бир жузъидур. Илми бор одам озгина ҳаракат ва ғайрат қилса, албатта, бой бўлур. Юқорида илмлик миллатлар яшайдур демиш эдим. Муниг аксинча, нодон миллатлар мутлак яшамас, тадрижий йўқ бўлур. Алалҳусус бу замонда, илми замонийсиз миллатнинг яшамайинча, тезлик ила мунақариз бўлиши муқаррардур.

Бурунги замонда темир йўл, парохуд, телеграф, айруплон ва шунга ўхшаш маданият асбоблари йўқлигидан дунёдаги ҳукуматлар бир-биридан узок туруб, яки дигарининг қувваи аскария ва молиясини тамом билмас эди. Шунинг учун ҳукуматларнинг бир-бири устига боруб ҳужум қилиши ниҳоятда мушкул эди. Шул важдан аввалги замондаги ҳукуматларнинг аҳоли аҳёнан табаддулот ва тағйиротга учрар эди. Аммо бу замон бўлса, бутун бош-қадур.

Илм ва фаннинг тараккийси ва ёрдами ила ер юзиндаги муҳталиф миллатларнинг ҳар навъ аҳоли мутамаддун ёвруполиларнинг кўзи олдиндадур. Бу дунё ҳаёт муборизаси майдони бўлгонидан, бир қучлик нимарса қучсизини эзар, ютар. Бу қонуни табиат ҳар бир жонсиз ва жонлик нарсалар ҳақида умумий ва жорий бўлуб қелмақдадур. Масалан, ғарбдаги Америко ҳукумати шарқдаги Ёпуниёни билфарз қучсиз топса, денгиз ичидан қелуб, бир ой зарифида тамом Ёпуниёни истило ва тасхир этмоқи мумқиндир. Анинг учундирки, замонамиздаги ҳукуматлар бошига тез-тез янги ходисалар воқеъ бўлуб, ушбу замон силоҳи ила қуролланмаган ҳукуматлар ўз мамлакат ва истиклол-ларидин маҳрум бўлмоқдадурлар.

Мисол учун хозирги замонамизда кам илм ва бепарволигидан жаннат каби шаҳарларидан айрилуб, юз мингларча аскарлар ва бегуноҳ хотун, бола-чакаларининг талафига сабаб бўлган Туркия ҳукумати ила нодонлик ва ўз ичидаги фитна ва игтишош сабабли бир-икки ҳамсоясининг тузогига илиниб, мухтажорлик ҳолатига келган Ҳас ҳукумати кўрсатурмизки, булар ҳар бир кўзи очик жарихонларга маълумдир, Хоказо Эрон.

Эмди келайлук максудимизга. Бизларнинг замонага мувофиқ, яъни замонча эҳғиёжимизга ярайтургон мактаб - мадраса - дорулсаноъа - ...ларимиз ила замоний илм ва фанларни билатургон уламо - агниё - тужжорларимиз ва хунармандларимиз йўқ. Токи, бизлар ҳам ўзгалар қошида ушбу (муборизаи ҳаёт) майдонида эзилмай, илмимиз ила динимизни, молимиз ила ҳаётимизни муҳофаза қилиб яшасак. Шундай қилмаганимиз ҳолда, бора-бора охири ҳолимиз табоҳ-болаларимизнинг иши охири ва воҳ бўлуб ҳам дин ва ҳам дунёимизни қўлдин беруб мунқариз бўлурмиз. Ушбу вақтдан бошлаб истикбол гамини еб, таъмин истикболимиз йўлида ҳаракат қилмоқ ҳар биримизнинг вазифаи лозималаримиздур.

*«Ойна» журнали, 1913 йил, 2-сон*